2008 ЙИЛ, 7 ЯНВАРЬ, ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 4 (11.065)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

● **ЎЗБЕКИСТОН** Адвокатлар ассоциациясида ҳуқуқшунослар иштирокида уюштирилган анжуманда адвокатура тизимини ривожлантиришнинг аҳамияти ҳамда келгусида бу борада бажариладиган ишлар режаси муҳокама қилинди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган тадбирда йигитларни ҳарбий хизматга тайёрлашнинг аҳамияти борасида ўзаро фикр алмашилди.

● **ТОШКЕНТ** Тўқимачилик ва енгил саноат институтида талабалар, ўқитувчилар иштирокида уюштирилган тадбирда мазкур илм маскани қошидаги соғломлаштириш марказида ёшларга тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар яратилганлиги таъкидлаб ўтилди.

● **ГОНКОНГДА** велоспорт бўйича уюштирилган халқаро турнирда иштирок этган терма жамоамиз аъзолари Тошкентга қайтиб келишди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** 14-болалар ва ўсмирлар спорт мактабига Германиядан келтирилган спорт анжомлари туҳфа этилди.

● **ГЕМАТОЛОГИЯ** ва қон қуйиш институтида туркиялик мутахассис шифокорлар иштирокида уюштирилган илмий-амалий анжуман «Қон касалликларини даволашнинг янги усуллари ва ҳамкорлик истиқболлари» деб номланди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

**МАМЛАКАТИМИЗДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА ЯРАТИЛГАН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЧЕТ ДАВЛАТЛАР ИШБИЛАРМОНЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН ҚЎШМА КОРХОНАЛАР САФИ ОРТИШИДА ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН НАФАҚАТ ИЧКИ БОЗОРНИ ТАЪМИНЛАШДА, БАЛКИ ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ЮКСАЛИШИДА ҲАМ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.**





*Хорижий инвестициялар — иқтисодиётга*

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Ана шундай корхоналардан бири «Ўзэлектроаппарат-Электрошит» Ўзбекистон—Россия қўшма корхонасида кўзда тутилган инвестицияларни киритиш туфайли эски цехлар замонавий дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланди, янги цехлар ташкил этилди. Буларнинг барчаси ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот турлари ортишида, товарларни хорижга экспорт қилишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган юқори вольтли жиҳозлар, паст вольтли ускуналар ва бошқа кўплаб маҳсулот турлари тоғ-кон комбинатлари, нефть-газ ўтказгичлари, темир йўл, авиация, денгиз транспорти, барча турдаги электр станциялари, қишлоқ хўжалиги, турар жой биноларида ниҳоятда қўл келади. Шу боис ҳам бугунги кун талаби асосида тайёрланаётган сифатли товарларга Россия, Қозоғистон, Миср, Вьетнам ва бошқа кўплаб давлатлардан буюртмалар тушмоқдаки, бу албатта экспорт ҳажмини оширишда, муҳими корхона истиқболини белгилашда эътиборга моликдир. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, корхонанинг барча маҳсулотлари сертификатланган бўлиб, улар Ўзбекистон ва Россиянинг етакчи синов марказларида синовдан ўтиши билан ажралиб туради.

Россиялик ҳамкорларнинг киритган инвестицияси асосида технологик линияларнинг янгиланишига муваффақ бўлиндики, бу шубҳасиз маҳсулотнинг янги-янги харидоргир турларида ўз аксини топди. Натижада бир неча йил давомида ишлаб чиқариш ҳажми ҳам кескин ўсди. Жорий йилни тадбиркорлар 14 миллиард сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқариш билан якунлаётган бўлса, янги йилда ишлаб чиқариш ҳажмини 25 миллиард сўмга етказишни режалаб туришибди.

Қўшма корхона электротехника маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган ва Россиядаги «Группа компаний — «Электрошит» — ТМ Самара» ёпиқ акциядорлик жамияти таркибига қирувчи 12 та корхоналардан бири ҳисобланиб, у ўз инвесторларидан фақатгина молиявий мадад олибгина қолмай, балки малакали мутахассислар ёрдамидан ҳам фойдаланди. Натижада 40 турдаги янги маҳсулот турларини харидорларга тақдим этишга муваффақ бўлинди.

Бугунги кунда корхонада 700 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатиб, уларга қулай меҳнат ва яхши дам олиш шароитлари яратишга ҳаракат қилинмоқда. Айниқса, ёш кадрларни тарбиялашга эътибор қаратилганки, бу фаолият албатта, кириб келган 2008— Ёшлар йилида янада кучайтирилади.

Янги изланишлар олиб бориб, фойдали лойиҳаларни амалга оширишга интилаётган корхонанинг тадбиркор жамоаси ички бозорни ўз маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаган ҳолда 2010 йилгача экспорт ҳажмини 80 фоизга кўтаришга эришишни мақсад қилган. Шунингдек, ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш асосида ишчи ўринлари сони ҳам ортиб боради. Энг асосийси эса бозор талаблари тинмай ўрганилгани ҳолда бозорбоп ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бу ишда сифат ҳамиша бош мезон саналади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятидан лавҳалар.**

**Максим Черногаев олган суратлар**

## XXI АСР САДОСИ

### БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамиятида Қўқондаги тўқимачилик машинасозлиги корхонасида тайёрланган «Матиз» автомобилларининг эшик-ойналарини кўтариб-туширувчи мослама синовдан ўтказилди.**

**● Қадимий гиламчиликни қайта йўлга қўйишда «Самарқанд-Бухоро ипак гилами» қўшма корхонасининг ўрни катта бўлмоқда. Айни пайтда бу ерда 300 нафардан ортиқ хотин-қиз доимий иш билан таъминланган. Ҳозирда Самарқанд шаҳри, Тайлоқ, Пастдарғом ва Самарқанд туманларида ҳам корхонанинг касаначилик фаолияти жонлантириляпти, эътиборлиси, тайёрланаётган маҳсулотлар тўлалигича экспорт қилинмоқда.**

**●«Асака-текстиль» корхонасида қўшимча равишда 134 та янги иш ўринлари яратилди. Ҳозирда ушбу корхона жаҳон бозорининг барча талабларига жавоб берувчи 2 минг тоннага яқин юқори сифатли калава ип чиқармоқда. Жорий йилда «Асака-текстиль» корхонаси 2,8 миллион долларлик маҳсулотини экспорт қилишни режалаштирмоқда. Шу муносабат билан Россия ҳамда Болтиқбўйи мамлакатларида савдо уйлари очилди.**

**● Республика Киночилар уйида «Ўзбеккино» миллий агентлиги Илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясида суратга олинган «Юнус Ражабий» ҳамда «Сўнмас юлдуз ёғдуси» ҳужжатли фильмларининг премьераси бўлиб ўтди.**

**● Самарқандда чорвачиликка ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликларида озуқа базасини мустаҳкамлашнинг қўшимча имкониятлари мавзусида республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.**

**● Зарафшон шаҳридаги «Зарафшон-сугроли» унитар корхонасига қарашли иссиқхона боғбонлари ажойиб тажриба ўтказишди. Улар бир туп лимон дарахтига апельсин ва мандарин қаламчаларини пайванд қилиб, кўзланган натижага эришишди. Ҳозирда бир дарахтда уч хил мева — лимон, апельсин ва мандарин пишиб етилди.**

**● Жиззах вилоятининг Зафаробод тумани фермер хўжаликларидаги 22 чопиқ, 26 ҳайдов трактори, 112 сеялка ва бошқа техника воситалари таъмирланиб, кўкламги экиш мавсумига шай қилиб қўйилди.**

**●Риштон туманининг Оқер қишлоғида тиббиёт коллежи фойдаланишга топширилди. Уч қаватли, 9 та амалиёт, 34 ўқув хоналаридан иборат замонавий масканда 600 нафар ўқувчи таҳсил олиб, ҳамширалик, тиббий профилактика, лаборатория ва диагностика мутахассисликларини эгаллайдилар.**

**●Хонқа туманидаги Дурғадиқ қишлоғида замонавий қишлоқ врачлик пункти иш бошлади. Унинг таркибида кундузги стационар, касалликларни аниқлайдиган лаборатория ва физиотерапия хоналари мавжуд.**

### ЖАҲОНДА

**● Грузия Марказий сайлов комиссияси мамлакат Президент сайловларининг дастлабки натижаларини эълон қилди. Унга кўра амалдаги Президент Михаил Саакашвили 52,8 фоиз овоз билан рақибларидан анча ўзиб кетган ҳолда етакчилик қилмоқда. Сайловларга ҳали расмий якун чиқарилмаган бўлса-да, учта хорижий давлат раҳбари Саакашвилига қутлов мактублари юборди.**

**● АҚШ Давлат котиби Кондолиза Райс Ливия ташқи ишлар вазири Абдураҳмон Шалкам билан музокаралар ўтказди. Бу икки давлат ўртасидаги расмийларнинг 36 йилдан кейинги биринчи учрашувидир. Музокаралар якунида томонлар фан ва технологиялар соҳасида ҳамкорлик қилиш юзасидан ўзаро шартнома имзоладилар.**

**● АСЕАН ташкилотининг янги бош котиби С.Питсуан ўз вазифаларини бажаришга расман киришди.**

**● Покистон Президенти Парвез Мушарраф мамлакат собиқ бош вазири Беназир Бхуттонинг ўлимига ҳарбийлар ёки разведка аралашган бўлиши мумкин, деган айбловни рад этди. Шунингдек, Б.Бхутто ўлимида соқчиларнинг ҳам айби йўқ. Президентнинг айтишича, Бхутто митинг чоғида хавфсиз бўлиши учун машинадан тушмаслиги керак эди.**

**● Кеча Исроил аскарлари Ғазо секторида 17 нафар фаластинлик жангарини йўқ қилишди. Ушбу ҳарбий операция чоғида бешта аскар яраланди.**

**● Кения мухолифатчи кучлари мамлакатда сиёсий барқарорликка эришиш мақсадида ҳукумат билан музокараларни бошлашга тайёр эканлигини билдирди.**

**● Керчь кўрфазида Болгариянинг «Ванесса» юк кемаси чўкиб кетди. Гарчи Украина Фавқулодда вазиятлар вазирлиги кемадагиларни об-ҳавонинг ноқулайлиги тўғрисида огоҳлантирган бўлса-да, бироқ кема ўз йўлида давом этган. Экспертлар кеманинг эскирганлиги ҳалокат сабаби бўлиши мумкинлигини тахмин қилишмоқда. Дастлабки маълумотларга қараганда, кема экипажининг 11 аъзосидан фақат биттаси қутқариб қолинган.**

**● Испания суди ЭТА айирмачилар гуруҳи етакчиларидан бири — Хуан Антонио Оларра Гуридини ўттиз йилга озодликдан маҳрум этди. У прокурор Луиза Портеронинг ўлимини уюштиришда айбланмоқда.**

**● Калифорния штати губернатори Арнольд Шварценеггер қалин қор ёққанлиги катта ноқулайликларни келтириб чиқараётганлиги туфайли учта ҳудудда фавқулодда ҳолат эълон қилди. Айтиш керакки, қалин қор ёғиши ва совуқлар оқибатида мазкур штатда уч киши ҳаётдан кўз юмган.**

## «ЎЗБЕКИСТОНДА ШУНДАЙ ДЕМОКРАТИЯ МАВЖУДКИ, У ДУНЁНИНГ КЎПГИНА МАМЛАКАТЛАРИ УЧУН НАМУНА БЎЛИШИ МУМКИН»

**2007 ЙИЛ 23 ДЕКАБРЬ КУНИ БЎЛИБ ЎТГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ЯКУНЛАРИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ИЛМИЙ ДОИРАЛАРИ ЎРТАСИДА ҲАМОН ЎЗ АКС-САДОСИНИ БЕРМОҚДА.**

Шу кунларда АРТ Евразия каналининг «Сўнгги хабарлар» («SICAK HABER») кечки теледастурида «Ўзбекистонда шундай демократия мавжудки, у дунёнинг кўпгина мамлакатлари учун намуна бўлиши мумкин» номли кўрсатув намойиш этилди. У бўлиб ўтган президент сайловларида халқаро кузатувчилар сафида иштирок этган **Туркия халқаро стратегик тадқиқотлар маркази (TUSAM) раҳбари Али Кюлебий** кўмагида ташкил этилди.

«Осиёнинг юраги ҳисобланадиган Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида стратегик ўринни эгаллайди, деди туркиялик таҳлилчи ўз чиқишида. Кўпгина йиллар давомида Ўзбекистонда тинчлик, барқарорлик ва осойишталик ҳукм суриб келмоқда. Шубҳа йўқки, барқарорлик ва осойишталик ҳукмронлиги жамиятида фаол ривожланиш учун ажойиб салоҳият мавжуд бўлади».

Шунингдек, Али Кюлебий таъкидлаганидек, Ўзбекистондаги Президент сайловида 260 нафардан зиёд хорижлик ҳамда 23 минг нафардан зиёд маҳаллий кузатувчи иштирок этишди.

«Унда сайловолди кампаниясини олиб боришлари учун барча номзодлар учун тенг шароитлар яратилди. Яна шуни ҳам айтишим керакки, овоз бериш жараёни қатъиян белгиланган меъёрларга мувофиқ, яъни яширин овоз бериш ва сайловлар ҳақидаги қонуннинг барча қоидаларига риоя қилинган ҳолда ўтди».

Али Кюлебийнинг таъкидлашича, «Ўзбекистон минтақадаги энг барқарор мамлакатдир. Мен сайловлар куни бўлиб ўтган мулоқотлар чоғида республиканинг кўпчилик фуқароларидан Ислом Каримов улар учун тўла қўллаб-қувватлайдиган ягона номзод эканлигини эшитдим. Унинг доно ва узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсати туфайли жамиятда тинчлик, барқарорлик ва фаровонлик таъминлангани борасида улар якдил фикрда эдилар. Ҳа, Ўзбекистонда жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари учун намуна бўлса арзийдиган ҳақиқий демократия мавжуддир».

Ўзбекистонда ҳукм сураётган барқарорлик муҳити ўз ифодасини сайловларда акс эттирдики, 23 декабрь куни рўйхатдан ўтган 16 миляион сайловчиларнинг 14 миллиондан зиёди овоз беришда иштирок этди. Унда 88,1 фоиз сайловчиларнинг Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлагани халқ томонидан Президентга нисбатан улкан ишончнинг ёрқин далилидир.

Демократик сайловлар натижасида Ислом Каримов давлат раҳбари этиб сайланди. Унинг раҳбарлигида Ўзбекистон иқтисодиёт ва сиёсат соҳасида янги муваффақиятларга эришишига аминман.

Бу фақатгина менинг шахсий ўй-фикрларим эмас. Бу хусусда кўпгина халқаро кузатувчилар ўз фикрларини ўртоқлашганлари ҳолда мамлакатнинг етакчилик мавқеини алоҳида таъкидламоқдалар.

Ўзбекистон ўзининг қатъий сиёсий нуқтаи назарига ва улкан иқтисодий салоҳиятига эга бўлган мамлакатдир. Буларнинг барчаси бизга Ўзбекистоннинг тараққиёт ва гуллаб-яшнаш йўлида янада дадил қадамларни ташлаши хусусида ишонч билан сўзлашимиз учун имкон беради, дейди Али Кюлебий.

**«Жаҳон» АА. Анқара**

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЛИМ ЖАЗОСИНИНГ БЕКОР ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СЛОВЕНИЯ РАИСЛИГИНИНГ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ НОМИДАН БАЁНОТИ

1. Европа Иттифоқи Ўзбекистонда 2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазоси бекор қилинганини қизғин маъқуллайди. Биз Ўзбекистон ҳукумати ва халқини ушбу муҳим қарор билан самимий қутлаймиз. Европа Иттифоқи Ўзбекистон ҳукуматини ушбу қарорни тўла рўёбга чиқариш ҳамда суд тизимидаги ислоҳотларни бундан буён ҳам изчил амалга оширишда қўллаб-қувватлайди.

2. Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ўлим жазосининг бекор қилиниши инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиш ва қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлади, деб ҳисоблайди.

Европа Иттифоқи ўлим жазосининг бутун дунёда бекор қилинишига эришиш ўз фаолиятининг асосий мақсади эканини яна бир бор тасдиқлайди. Европа Иттифоқи Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши юқорида қайд этилган мақсад йўлида қўйилган муҳим қадам, деб билади ва минтақадаги бошқа мамлакатлар ҳам бу борада Ўзбекистондан ўрнак олади, деб умид қилади.

# ВАТАНПАРВАР

*Ислоҳотлар самараси*

## ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ, ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ ШАКЛЛАНТИРИЛИШИ ЙЎЛИДА ТАШЛАНГАН МУҲИМ ҚАДАМЛАРИМИЗНИ ТАЪКИДЛАР ЭКАН, ЮРТИМИЗ МУДОФАА САЛОҲИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, БАРҚАРОРЛИГИМИЗ, ХАВФСИЗЛИГИМИЗНИ ТАЪМИНЛАШДА КАДРЛАР МАСАЛАСИГА, АРМИЯМИЗ САФЛАРИНИ МИЛЛИЙ КАДРЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИШ, УЛАРНИНГ ТАЙЁРГАРЛИК ВА ҚАЙТА ТАЙЁРГАРЛИКДАН ЎТИШЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ҚИЛИНГАН ИШЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТГАНДИ. ҲА, БИЗ БУ БОРАДА ҚАНЧАЛАР ТЎҒРИ ЙЎЛНИ ТАНЛАГАНИМИЗНИ ВАҚТ, ДАВР БУГУН КЎРСАТИБ ТУРИБДИ.**



Келинг, шу ўринда бироз ортга назар ташлаб, миллий армиямиз шаклланувининг илк босқичида кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ тизим қанақанги аҳволда эканлигини хаёлдан ўтказайлик. Маълумки, 1993 йилга қадар Тошкентда, Чирчиқда, Самарқанддагина олий ҳарбий билим юртларимиз бўлиб, улар ҳарбий мутахассисларга бўлган талабларимизни қондира олмасди. Дейлик, Тошкентда мотоўқчи бўлинмалари командирлари тайёрланса, Чирчиқда танк бўлинмалари командирлари, Самарқандда эса автомобиль бўлинмалари учун командирлар тайёрланарди. Шундан ҳам кўриниб турибдики, давр мутахассисликлар турини кўпайтиришни тақозо этаётганди. Натижада, 1993 йилда Тошкент электротехника ва алоқа институти (ҳозирги Тошкент ахборот технологиялари университети) ҳузурида Мудофаа вазирлигининг махсус факультети, 1994 йилда эса Марказий Осиёда ягона бўлган Қуролли Кучларимиз академияси, худди шу йилнинг ўзида Жиззах авиация олий ҳарбий билим юрти ташкил этилди. Ислоҳотлар бу билан тўхтаб қолгани йўқ. Қуролли Кучларимиз қурилиши талаблари, режаларидан келиб чиқиб турли ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашнинг кўп тармоқли тизимига ўтилди. Билим юртларимизнинг факультетлар ва кафедралар сони ошиб, моддий-ўқув базалари такомиллаштирилди. Қуролли Кучларимиз академияси ва олий ҳарбий билим юртларимизда минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятдан, жанговар тактикаларни олиб боришнинг янгича усулларидан келиб чиқиб, ҳарбий фанлар мазмунига муайян ўзгартиришлар киритилди, ижтимоий фанларга ажратиладиган соатлар ҳажми оширилди, тизимга янгича ахборот технологиялари киритилди. Қисқаси, мустақиллик йилларида барча бўғиндаги командирларнинг юқори профессионал қобилияти ва малакасини таъминлаш, уларнинг интеллектуал савиясини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган офицер кадрлар тайёрлаш тизими яратилди. Бу эса Қуролли Кучларимиз таркибини сифат жиҳатидан бутунлай ўзгартириш ва уларни бугунги кун талабларига жавоб берадиган, пухта тайёргарликка, замонавий фикрлаш қобилиятига эга бўлган командирлар билан тўлдириш имконини беряпти. Қолаверса, ҳарбий хизматчиларнинг шахсий ва гуруҳ таркибидаги тайёргарлик даражаси, интеллектуал салоҳиятини оширишни таъминлайдиган моделлаштириш, симуляция ва ҳарбий таълимнинг бошқа замонавий усуллари кенг жорий этилаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Бугун замонавий армияда хизмат қилиш учун жисмоний тайёргарлик ёки айрим жанговар тайёргарликдаги маҳорат, дейлик нишонга бехато отишнинг ўзигина камлик қилади. Яъни ўғлонлар замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорларини пухта эгаллаган бўлиши, бунинг учун юксак ақл-заковат, интеллектуал салоҳиятга интилиши, мустаҳкам иродаси, ўз халқига садоқати каби олижаноб ҳусусият ва фазилатларини шакллантириш тақозо этилмоқда. Таниш офицерлардан бири Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида таҳсил олаётган ўғли ясаган вертолёт макетини хизмат кабинетига қўйган экан. «Тўгаракка қатнашиб конструкторликни ўрганяпти, касбига меҳри янада шаклланяпти», дейди ўғлидан фахрланиб. Дарҳақиқат, курсантларимизнинг тўгаракларда билим дунёқарашларини кенгайтиришлари учун зарур шарт-шароитлар муҳайё.

Хўш, кўп тизимли кадрлар тайёрлаш мутахассислар етиштиришнинг сифатига таъсир қилмаяптими? Бунга жавобни мутахассислар тайёрлаш тизимининг ўзига хос жиҳатларига бироз тўхталиш орқали топишимиз мумкин. Дейлик командирлик профили бўйича оладиган бўлинса, курсант дастлаб қуйи бўғиндаги командирлик бўйича сабоқлар олади. Навбатдаги курсда эса дейлик гуруҳ командирлиги, учинчи курсда взвод командирлиги борасида кўникма ва тажрибалар тўплайди. Сўнгги курсда эса курсант взвод командирига бириктириб қўйилиб, тажрибалар ўрганади, батальон командирининг мажбуриятлари билан танишади, қўшинларда амалиётда бўлади. Кўриб турганингиздек, босқичма-босқич шакллана боради. Бу эса курсантда командирлик сифатларини тарбиялашда унинг келгусида Қуролли Кучларимиз етук офицери бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Шунингдек, олий билим юртларимиз ҳузурида ташкил этилаётган малака ошириш курслари ҳам кадрларни замон талаблари асосида тарбиялашга хизмат қилаётир.

Бир сўз билан айтганда, бу борадаги ислоҳотларимиз самараси ҳарбий таълим тўғри йўлга қўйилгани, армиямиз учун миллий кадрлар тайёрлаш тизими замон талаблари асосида шаклланиб бораётганини кўрсатади.

**Шерзод ТОЛМАСОВ,**
**майор**

**ТАНИШИМ БОБОҚУЛ МУРОДОВ БИЛАН ЯҚИНДА УЧРАШИБ ҚОЛДИМ. ЎҒЛИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТДА. ҲОЛ-АҲВОЛ СЎРАГАН БЎЛДИМ: «АСКАР ХАТ ЁЗЯПТИМИ, ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ, ХИЗМАТЛАРИ ҲАҚИДА СЎРАЯПСИЗМИ?»**

## ЮРТ ҲИМОЯЧИЛАРИ ҚАДР ТОПАДИ

Аскар отаси шуни кутиб тургандек, узоқ сўзлади. Ўзи хизмат қилган даврни эсга олди. Ўғлини муддатли ҳарбий хизматга кузатганию, ҳарбий қасамёд тантанасигача—таассуротларини гапирди. Гапларидаги ҳаяжон оҳанги оддий бир фуқаронинг ислоҳотларимизга нисбатан муносабати эди. «Армиямиздаги шарт-шароитларни кўриб, очиғи ёшариб кетгим, хизмат қилгим келди. Посбонларнинг ўзаро муомаласидан билдимки, маънавий-маърифий ишлар ҳам юксак даражада. Ўғлимга, фарзандларимизга ҳарб илмини, ҳаёт мактаби сабоқларини ўргатаётган офицерлар, сержантлар билан суҳбатлашдим. Амин бўлдимки, миллий армиямизнинг кадрлари ҳарбий хизматни Ватан, халқ олдидаги муқаддас бурч санайдиган ўғлонлар экан».

Бу гаплар, бу фикрлар аскар отасининг юрак-юрагидан, қалб қўридан отилиб чиқди.

Дарҳақиқат, бугун бундай фахр ва ғурур кўпчилик юртдошларимиз қалбларида жўш уриб турибди. Негаки, Президентимиз раҳнамолигида замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган Қуролли Кучларимизни барпо этиш, мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлигимизни таъминлаш, барқарор ва изчил демократик тараққиётимизнинг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш йўлида кўлами ва моҳияти жиҳатидан улкан ишларни барчамиз кўриб, билиб турибмиз.

Аскар отаси, аскар онаси, жамоатчилик муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган фарзандларга яратилаётган шарт-шароитларни яхши билишади. Жорий йилнинг баҳорида ҳарбий қасамёд тантанасида иштирок этдим. Қисм қўмондонлиги ота-оналар, жамоатчилик учун аскарлар таъминоти бўйича кўргазма ташкил қилибди. Улар бугун посбонларимиз кундалик озиқланиш меъёрларига турли шарбатлар, сут маҳсулотлари, дармондорилар қўшилганлигини, бошқа маҳсулотларнинг ҳам миқдори оширилганини кўришди. Аскар дастурхони миллий таомлар—палов, манти, турли мева, сабзавотлар, витаминга бой сара маҳсулотлар билан бойитилганлигининг гувоҳи бўлишди.

Шундан сўнг барча қулайликларга эга ётоқхоналар, замонавий спорт тренажёрлари, аскарлар учун мўжалланган маиший воситалар билан танишишди. Қисқаси, улар ислоҳотларнинг амалдаги самарасини ўз кўзлари билан кўришди. Миллий армиямизда изчил кечаётган ислоҳотлар армияни том маънода армия қиладиган, ҳар қандай мураккаб вазият ва синовлардан ёруғ юз билан чиқишга асос бўладиган, унинг жанговор қудрати ва ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган кучга — Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган инсонларга қаратилганини англашди.

Шу кунларда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар хизматдан резервга бўшашганининг гувоҳимиз. Улар уйларига янги ҳарбий, спорт либосларида кириб боришди. Мудофаа вазирлиги кийим-кечак таъминоти бошқармаси, тажриба-конструкторлик бюроси вакиллари ва саноат корхоналаридан иборат ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган ушбу либослар замонавий, ҳар томонлама ихчам, қулай ва сифатли ҳисобланади. Ватан олдидаги бурчини ёруғ юз билан ўтаган посбонларимиз республика олий ўқув юртларига ўқишга киришда қўшимча имтиёз берувчи тавсияномаларга эга бўлишади. Резервга бўшаётган ҳар бир аскарга энг кам иш ҳақининг 16 баробари миқдорида пул берилади. Хуллас, бундайин имтиёзу қулайликлар борасида узоқ тўхталиш мумкин. Буларнинг бари юқорида таъкидлаганимиз —доимий эътибор, ғамхўрлик, ҳарбий хизматни муқаддас бурч санайдиган мардларимиз меҳнатининг муносиб рағбатидан. Дарвоқе, Бобоқул ака ҳам ўғлининг муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшашини кутяпти. Энг муҳими, ўғли сабаб ислоҳотлар жараёнидаги бир нарсани — Ватан ҳимояси йўлида миллати, тили, динидан қатъи назар шу юртнинг сувини ичиб, тузини татиган, шу муқаддас заминда тарбия топган, вояга етган баркамол ўғлонларга суянишимиз, ўз тақдири, ҳаётини юрт ҳимояси билан боғлаганлар доимо қадр топишини, давлатимиз бу йўлда бор куч-имкониятларини аямаслигини, миллий армиямиз халқимиз, миллатларимизнинг минг йиллар давомида шаклланган анъаналари, қадриятларини ўзида мужассам этаётганини тўла англаб етди.

**Алижон САФАРОВ,**
**майор**

## МУДОФАА ҚУДРАТИМИЗ ОШИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**«ҲОЗИРГИ МУРАККАБ ВА ТАҲЛИКАЛИ ДАВРДА ҲАР ТОМОНЛАМА ЯХШИ ТАЙЁРЛАНГАН, ЕТАРЛИ ДАРАЖАДА ТАЪМИНЛАНГАН ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАНГАН ҚУДРАТЛИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРГИНА ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИНГ, ЧЕГАРАЛАРИМИЗ ДАХЛСИЗЛИГИ ВА МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДИЙ ЯХЛИТЛИГИНИНГ, БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА, ХАЛҚИМИЗНИНГ ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТИНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ ВА ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ БЎЛА ОЛАДИ», ДЕЙДИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА ЙЎЛЛАГАН БАЙРАМ ТАБРИГИДА.**

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, миллий армиямизда ўтказилаётган ислоҳотлар замирида ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший аҳволини, яшаш шароитларини яхшилаш, иш ҳақи ва таъминотини ошириш масалаларини босқичма-босқич, тизимли равишда яхшилаб бориш давлат ва жамиятнинг, Қуролли Кучлар қўмондонлигининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Президентимизнинг «2007 йилнинг 1 октябридан муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг лавозим маошлари миқдорларини ошириш тўғрисида»ги Фармони она-Ватан посбонларига доимий эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намойиши бўлди, дея оламиз. Яхши биламиз, бу омилларнинг барчаси мудофаа қудратимизни янада мустаҳкамлашга, миллий армиямизда хизмат қилаётган ёшларнинг жисмонан бақувват, маънан етук, ватанпарвар бўлиши, ҳаётда ўз ўрнини аниқ белгилаб олиши, ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етишларига хизмат қилади. Бу эса миллий армиямиз нуфузини тобора оширмоқда, ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизни таъмин этмоқда. Ҳамкасбим бир воқеани сўзлаб берди. Яқинда Ҳамдўстлик давлатларидан биридаги журналист дўсти унинг меҳмони бўлибди. Миллий армиямиздаги ислоҳотлар билан қизиққан меҳмонга амалга оширилган улкан янгиланишлар, ўзгаришлардан сўзлар экан, меҳмон — жаҳонгашта журналист қойил қолар экан, нафақат Ҳамдўстлик мамлакатларида, ҳатто айрим ривожланган давлатларда ҳам бундайин шарт-шароитлар йўқлигини таъкидлабди. Буни кимгадир кўз-кўз қилиш учун айтмаяпмиз. Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотлар армияни том маънода армия қиладиган, ҳар қандай мураккаб вазият ва синовлардан ёруғ юз билан чиқишига асос бўладиган, унинг жанговар қудрати ва ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган кучга — унинг сафларидаги инсонларга қаратиб келинаётганини таъкидламоқчимиз, холос.

Гап таъминот, энг сифатли, жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар, моддий-техник воситалар ҳақида кетар экан, табиийки, ким билан ҳамкорлик қилишимиз, яъни ишлаб чиқарувчи корхона, фирма, компанияларнинг энг нуфузлилари билан, қолаверса кўпроқ маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан ўзаро алоқалар ўрнатиш муҳим. Бугун «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган», деган ёрлиқ билан арзон, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган, халқаро доирада эътироф этилаётган корхоналаримиз кўплаб топилади.

Яқинда Марказий офицерлар саройида Қуролли Кучларимиз шахсий таркиби учун зарур бўлган моддий-техник воситалар, маҳсулотлар етказиб бераётган ва бу борада ҳамкорлик қилиш истагида бўлган корхона, фирма, компанияларнинг кўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазмани кўздан кечирар эканмиз, унда озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон, электрон, муҳандислик жиҳозлари, замонавий тиббиёт ускуналари, замонавий алоқа ва коммуникация воситалари, қўйингки, посбонларимиз учун зарур нарсаларнинг бари борлигини сездик. Маълумки, бозор иқтисодиёти талаблари ўзаро соғлом рақобатни тақозо этади. Очиқ, ошкоралик тамойили остида ўтган кўргазма шу маънода ўзаро соғлом рақобатни ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Бу эса миллий армиямизга замон талабларига хос сифатли маҳсулотлар етказилишини таъмин этади. Аниқроғи, кўргазма соҳа мутахассисларининг сифатли, талабларга, андозаларга тўла мувофиқ келувчи маҳсулотни танлашига, кейинчалик тендерда ғолиб чиқишса, ўша ишлаб чиқарувчи билан кенг ҳамкорлик қилишига ўзига хос замин яратади.

Шу ўринда бир ҳақиқатни тан олиш керак. Илгари айрим ишлаб чиқарувчиларда армия эҳтиёжларидан кўра ўзларининг шахсий манфаатлари йўлида фойдаланишга уринишлар бўлган. Бу улар ишлаб чиқаришган моддий воситаларда учраган қатор камчиликларда акс этарди. Бугун бундайин тор тушунча йўқолгани, ишлаб чиқарувчилар, маҳаллий корхоналаримиз сара, сифатли маҳсулотлари, товарлари билан мудофаамиз қудрати шаклланишига ҳисса қўшишга интилишаётганини қувонарли ҳол. Кўргазма расталари бўйлаб юриб, «Бош кийимлар фабрикаси»нинг маҳсулотларини кўздан кечирамиз. «1993 йилдан бери Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорлик қилиб келамиз. Мана, кўриб турганингиздек, замон талабларига мос бош кийимлар ишлаб чиқариш учун ҳаракат қиляпмиз. Масалан, мазкур кўргазмага аёл ҳарбий хизматчилар учун мўлжалланган, янгича дизайндаги пилоткаларни тақдим этяпмиз. Ватанимиз ҳимоячилари учун хизмат қилиш биз учун шараф», дейди фабрика сифат назоратчиси Заҳро Юсупова.

Оддий бир истеъмолчи сифатида ушбу корхонанинг кўргазмага қўйилган маҳсулотларини кўздан кечириб, хорижникидан қолишмайдиган сифатига қойил қоламан. «Висо» номли Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонасининг пойабзал маҳсулотлари ўтган йили ҳам кўргазмага қўйилганди. Бу гал таклиф этилаётган маҳсулотларининг сифати ҳам юксак даражада эканлигини чарми, дизайнидан билиш мумкин.

«Фортек» хусусий корхонаси замонавий лаборатория ва кимёвий рентген воситаларини тақдим этмоқда. Миллий армиямизга 4-5 йилдан буён сифатли маҳсулотлар етказиб бераётган мазкур корхона ветеринар, ёнилғи-мойлаш хизматларимиз ишини лаборатория ускуналари билан янада шакллантиришни мақсад қилган.

«Ист-Баттерфлай» қўшма корхонаси маҳсулотлари дизайни, сифати билан посбонларимиз ошхоналарига ҳар томонлама қулайлик, кўрк бағишлаётгани яхши маълум. Корхонанинг юқори сифатли металлдан тайёрланаётган, экологик жиҳатдан тоза идиш-товоқлари кўргазма иштирокчиларида қизиқиш уйғотди.

«Санам» шўъба корхонаси ўтган йилги кўргазмада ҳам иштирок этганди. Жорий кўргазмада корхона тақдим этаётган янгиликлар борасида унинг раҳбари Толиб Ёдгоров шундай деди: «Ўтган йил Мудофаа вазирлиги билан шартнома имзолаб, уни сифатли бажаришга ҳаракат қилдик. Ҳар томонлама шаклланиб бораётган миллий армиямизга оз бўлса-да фойдамиз тегаётганидан хурсандмиз. Бу сафар кўргазмага ниқобланиш палаткаларининг янги моделларини қўйганмиз».

— Уч йилдан бери ҳарбийлар билан ҳамкорлик қиламиз. Мақсадимиз посбонларимиз дастурхонига сифатли, сара балиқ, тухум маҳсулотларини етказиб бериш, — дейди «Осиё агро алянс» масъулияти чекланган жамияти менежери Аминжон Қўчқоров.

Кўргазмада маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимизнинг маҳсулотлари эътиборимни тортди. Ҳа, ислоҳотларимиз сабаб биз иқтисодиётимизда ана шундайин ўзгаришлар, янгиланишларга эриша олдик. Бугун «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи билан чиқарилаётган маҳсулотларга нафақат ўзимизда, балки хорижда ҳам талаб, таклиф катта. Бу ҳам бўлса ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизнинг яна бир исботи. Ишончимиз комилки, Қуролли Кучларимиз шахсий таркиби учун зарур бўлган моддий-техник воситалар, маҳсулотлар етказиб бераётган ишлаб чиқарувчилар билан қилинажак ҳамкорликлар мудофаа қудратимизнинг янада ошишига хизмат қилади.

**Аҳмаджон СОДИҚОВ**

*Иқтисодиёт*

## ЯНГИ МАГИСТРАЛ ЙЎЛ

**ПОЙТАХТИМИЗДА БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ КЎЛАМИ ТОБОРА КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА. ШАҲАР ТРАНСПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БОШ РЕЖАСИГА БИНОАН ЯНГИ МАГИСТРАЛ ЙЎЛ ҲАМ ОЧИЛДИ.**

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасидан маълум қилишларига кўра, пойтахтнинг Аҳмад Дониш кўчасидан бошлаб Мирзо Улуғбек кўчасига қадар янги йўл қуриш режалаштирилди. Мазкур кўча шаҳарнинг марказий қисмини четлаб ўтиб, Юнусобод ва Тошкентнинг шимоли-шарқий қисмидаги туманларни ўзаро боғлайдиган магистрал йўлга айланади.

Бунёдкорликни жадаллаштириш мақсадида Тошкент асфальт заводи модернизация қилинади.

## ЎҚУВЧИЛАРБОП МЕБЕЛЛАР

**«СОВПЛАСТИТАЛ» ЎЗБЕК-ИТАЛИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ПЛАСТМАССАЛИ МЕБЕЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА БОЙ ТАЖРИБА ОРТТИРГАН. ЭНДИЛИКДА МАКТАБЛАР ВА КАСАЛХОНАЛАР УЧУН ЯНГИ ХИЛ МЕБЕЛЛАР ТАЙЁРЛАШ ҲАМ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ.**

Ёғочли маҳсулотларга қараганда арзон бўлган пластмассали мебеллар камида 30 йиллик кафолат билан тақдим этилмоқда.

Корхона мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида физика ва кимё фанлари ўқув хоналарига мос кўргазмали қуролларни кўплаб ишлаб чиқаришга киришди. Сополдан тайёрланадиган ўқув-лаборатория жиҳозларига ҳам талаб ортди.

## ХОНАДОНДА ТИКУВЧИЛИК ЦЕХИ

**РЕСПУБЛИКАМИЗДА КАСАНАЧИЛИК ҲАРАКАТИ КЕНГ РИВОЖЛАНМОҚДА. ПОЙТАХТНИНГ УЧТЕПА ТУМАНИДАГИ КЎПЛАБ УЙ БЕКАЛАРИ ҲАМ КОРХОНАЛАР БИЛАН БОҒЛАНИБ, ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИЛАР.**

Чеварликни касб қилиб олган Феруза Йўлдошева ҳам шахсий тартибда аҳоли буюртмаларини адо этишга киришди. Туман ҳокимлигидан миллий тикувчилик буюмларини тайёрлаш бўйича патент олингач, бу хонадонда тикувчилик цехи очилди.

Бу ерда тикиб чиқарилаётган миллий кийим-кечаклар буюртмачилар дидига мос равишда тайёрланмоқда.

*Тиббиёт*

## КАСАЛХОНАДА КАФЕДРАЛАР

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МАРКАЗИЙ КЛИНИК КАСАЛХОНАСИ ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ОЛИМЛАРИ БИЛАН ЯҚИН ҲАМКОРЛИК ЎРНАТГАН. БУ ШИФОХОНАДА ТИББИЁТ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИНИНГ БИР НЕЧА КАФЕДРАЛАРИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА.**

Асаб касалликлари кафедраси ҳам темирйўлчилар саломатлигини тиклаш йўлида фаоллик кўрсатмоқда. Мана, беш йилдирки, мазкур кафедра шифохонанинг мутахассис шифокорлари билан асаб хасталигини даволашга доир кўплаб муолажалар олиб боришмоқда. Бош мия қон томирлари касаллигининг клиник хусусияти бўйича олиб борилаётган илмий изланишлар айниқса яхши натижалар бермоқда. Бу хасталикнинг этиологиясига доир даволаш усуллари бўйича орттирилган бой тажрибалар мутахассислар томонидан ижобий баҳоланмоқда.

Касалхона билан кафедра ҳамкорлигида янги тадқиқотларга ҳам қўл урилди.

## СТОМАТОЛОГИК МУОЛАЖАЛАР

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИНИНГ ЖАРРОҲЛИК СТОМАТОЛОГИЯСИ КАФЕДРАСИ ҲАМ МУВАФФАҚИЯТЛИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА.**

Бу ерда стоматологик имплантацияга доир муолажалар олиб боришга ҳам жиддий киришилди.

Бу эса тиш қатори нуқсонларини бартараф этишнинг янги усулларини яратиш имконини беради. Айни вақтда кафедранинг имплантология бўлимида янги имплантант турлари ва усулларини амалиётга татбиқ этиш тадбирлари кўрилди. Тиш протезларини такомиллаштиришга оид муҳандислик изланишлар самарадорлигига эришилади. Бу каби даволаш усуллари стоматологик клиникаларда ўз амалий ифодасини топади.

## ШИФОБАХШ ХОМ АШЁ

**ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ОЛИМЛАРИ ИЗЛАНИШЛАРИ БИЛАН ҚАТОР ШИФОБАХШ ДОРИ-ДАРМОНЛАР ЯРАТИЛДИ. АНОР ПЎСТЛОҒИНИНГ КИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАМ ЎРГАНИЛДИ.**

Лаборатория шароитида тадқиқ қилинган бу изланиш натижасида анор пўстлоғида қон босимини яхшилашга таъсир кўрсатувчи модда борлиги аниқланди.

Институт лабораторияларида олиб борилган кузатувларда юрак қон-томир хасталиклари учун маҳаллий хом ашёлар асосида доривор препаратлар ҳосил қилинмоқда.

Бу хил дори-дармонлар республика маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш йўлидаги дастлабки қадамлар бўлди.

**Акбар АЛИЕВ**

# ОЛИМПИАДА: БИРИНЧИДАН ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИГАЧА

# ТЎЛА УСТУНЛИК

**ТОКИО 1940 ЙИЛДАЁҚ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ ПОЙТАХТИ БЎЛИШИ МУМКИН ЭДИ.БИРОҚ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ БОШЛАНИБ КЕТГАН АНА ШУ ТАҲЛИКАЛИ ВАҚТДА ЯПОНИЯ ҲУКУМАТИ ХАЛҚАРО ОЛИМПИЯ ҚЎМИТАСИ БИЛДИРГАН БУ ШАРАФДАН ВОЗ КЕЧДИ.**




**СУРАТДА:** ўн саккизинчи Олимпиада ўйинларининг плакати.

Шу сабабли ҳамда урушнинг ўзи учун аянчли якунларига қарамасдан яна оёққа туриб, жадал ривожланиш йўлига тушиб олган Япония мамлакат салоҳиятини бутун жаҳонга намойиш этиш мақсадида XVIII Олимпиада ўйинларини ҳар қачонгидан ҳам юксак савияда ўтказишга астойдил тайёргарлик кўрди. Ҳар бир япон фуқароси том маънода жаҳон спорти байрамининг муносиб мезбони бўлишни ўзининг муқаддас бурчи, деб ҳисобларди.

Кунчиқар давлати пойтахтидаги мавжуд спорт иншоотлари тубдан қайта таъмирланди ва энг замонавий қилиб жиҳозланди. Меъморий ечимлари жиҳатидан жуда ноёб янги стадион ва спорт заллари, бошқа иншоотлар, йўллар, кўприклар, меҳмонхоналар барпо этилди. Уларнинг учдан икки қисмининг Токиодаги Олимпия боғи ва Комазава боғида марказлаштирилганлиги ўйинлар мусобақаларини ўтказишда катта қулайликлар туғдирди.

Япония Олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўриш учун оз эмас-кўп эмас – 2 миллиард АҚШ доллари сарфлади! Лекин бу ўзини тўла оқлади. Амалга оширилган ишлар биргина Олимпиаданинг ўта муваффақиятли ўтишини таъминлабгина қолмасдан Токионинг қиёфасини ҳам тубдан ўзгартириб юборди, бунёд этилган кўпдан-кўп иншоотлар пировард натижада улкан шаҳар аҳолиси учун хизмат қилди.

Олимпиаданинг 1964 йил 10 октябрь куни бўлиб ўтган тантанали очилиш маросими улуғворлиги ва тантанаворлиги, ранг-баранглиги, чуқур мазмуни ва юксак бадиийлиги билан томошабинларни ҳам, уларни телевидение орқали томоша қилган бутун дунёдаги бир неча миллиард спорт ихлосмандларини ҳам ларзага солди. Унда биринчи марта 94 мамлакатдан 5140 спортчи, шу жумладан 683 аёл ҳозир бўлди. Ёзги ўйинлар мусобақаларида илк бор 14 янги давлат олимпиадачилари иштирок этдилар. Шу билан бирга ирқчи сиёсати учун Олимпиадага таклиф этилмай қўйилган Жанубий Африка Республикаси қатори Индонезия ва Шимолий Корея ўйинлар қатнашчилари рўйхатига киритилмади.



**СУРАТДА:** Олимпиада ўйинларида спорт гимнастикаси бўйича жами 12 та – 6 та олтин,4 та кумуш ва 2та бронза медаллари совриндори украиналик Борис Шахлин.

Токио Олимпиадасининг спорт натижалари ҳам жуда юқори эди. Бу ерда 81 та олимпия ва 32 та жаҳон рекорди ўрнатилди. Олимпиадачилар умуман 19 спорт тури бўйича 163 медаллар жамланмаси учун кураш олиб борди.

Сузиш ҳавзаларида Америка Қўшма Штатларидан 18 ёшли Дон Шолландер тўртта олтин медаль соҳиби бўлиши билан бирга иккита жаҳон рекордини янгилади. У 100 ва 400 метрга эркин усулда сузишда шу вақтгача жаҳонда ҳеч ким эриша олмаган тезлик кўрсатди. Ёш сузувчи, шунингдек, жамоадошлари билан 4х100 ва 4х200 метрга эстафетада рақибларига бирор имконият қолдирмади.

Севастополлик 16 ёшли украин қизи Галина Прозуменшчикова аёллар ўртасида сузиш мусобақаларида собиқ иттифоқ олимпиада жамоаси учун тарихда биринчи олтин медаль келтирди. У 200 метрга брасс усулида сузишда Олимпиада чемпиони бўлди. Спортнинг бу турида мамлакат терма жамоаси сафида бир йўла иккита ўзбекистонлик – Светлана Бабанова ва Наталья Устинова бор эдилар.

Светлана Бабанина узоқ йиллар давомида брасс усулида сузишда иттифоқнинг етакчи спортчиси ҳисобланарди. У 100 метрга брасс усулида сузишда 1 дақиқа 17, 2 сония натижа кўрсатган жаҳон рекордчиси эди. Япония пойтахтида Светлана 200 метрга брасс усулида сузиш мусобақаларининг финалида Галина Прозуменшчикова билан ёнма-ён йўлакчаларда эди. Маррада уларни бир-биридан атиги 2, 2 сония ажратди. Бу фарқ Светлана Бабанинага Олимпиаданинг бронза медалини келтирди. У 4х100 метрга аралаш усулда сузиш эстафетасида яна бир тошкентлик Наталья Устинова ҳамда россиялик Татьяна Савельева ҳамда украиналик Татьяна Девятова билан бирга қатнашиб, маррага учинчи бўлиб етиб келишди. Шу тариқа Светлана Бабанина Токио Олимпиадасининг иккита бронза, Наталья Устинова эса битта бронза медалларига сазовор бўлдилар.

Ўзбекистонлик яна бир машҳур спортчи Сергей Диомидов эса спорт гимнастикаси бўйича жамоа биринчилигида ўн саккизинчи Олимпиада ўйинларининг кумуш совриндоридир. У Токиода украиналик кўп марта Олимпиада чемпионлари Борис Шахлин ва Юрий Титов ҳамда россиялик Виктор Лициский, Виктор Леонтьев ва Юрий Цапенко билан фахрий шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилди.

Собиқ иттифоқ оғир атлетикачилари бу Олимпиадада ҳам салмоқли натижаларга эришдилар. Улар тўрт олтин, иккита кумуш медални қўлга киритиш билан бир қаторда 26 та олимпия, шу жумладан 8 та жаҳон рекорди ўрнатдилар. Совет боксчиларининг натижалари ҳам уларникидан қолишмади. "Чарм қўлқоп" усталарининг умумжамоа ҳисобига қўшган ҳиссалари 3 та олтин, 4 та кумуш ва 2 та бронза медалларидан иборат бўлди.

Токио рингида москвалик Валерий Попенченко ўн саккизинчи Олимпиада ўйинларининг энг яхши боксчиси, деб топилди. У ярим финалда польшалик машҳур боксчи Тадеуш Власек устидан нокаут билан соф ғалаба қозонди. Финалда эса немис Шульцни жангнинг биринчи дақиқасидаёқ нокаут қилди. Валерий Попенченко Олимпиада чемпиони унвонига сазовор бўлиш билан бир қаторда ҳаваскор боксчиларнинг энг олий мукофоти — Вал Баркер кубоги билан ҳам тақдирланди.

Дзюдо илк марта Олимпиада ўйинлари мусобақалари дастуридан ўрин олган эди. Мутахассислар ҳам, ишқибозлар ҳам японлар ўзларининг бу миллий спорт турида ҳеч кимга биринчиликни бермайдилар, деган фикрда эдилар. Ҳақиқатан ҳам енгил вазнда Такехидэ Накатани, ўрта ва оғир вазнда Исао Окано олтин медаллар билан тақдирландилар. Бироқ энг нуфузли, дзюдочи вазни ҳисобга олинмайдиган мутлақ биринчиликда голландиялик Антониус Йоханнес Гесинк япон Акио Каминага устидан ишонарли ғалаба қозониб, ўйинлар мезбонларини ларзага солди.

Худди шунингдек, эркаклар ва аёллар ўртасида волейбол мусобақалари ҳам Олимпиада дастурига биринчи марта киритилган эди. Спорт ўйинларининг бу турида эркаклар ўртасида собиқ иттифоқ, аёллар орасида эса Япония терма жамоалари ғолиб чиқдилар.



**СУРАТДА:** футбол бўйича ўн саккизинчи Олимпиада чемпиони – Венгрия терма жамоаси.

Саккиз йиллик танаффусдан сўнг Венгриянинг футбол бўйича олимпия терма жамоаси яна ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. Бу мамлакат "чарм тўп" усталари чемпионлик олтин медаллари сари йўлда Марокаш (6:0), Югославия (6:5), Руминия (2:0), Миср (6:0), Чехословакия (2:1) олимпия терма жамоаларини мағлубиятга учратдилар.

Норасмий умумжамоа ҳисобида собиқ иттифоқ олимпиадачиларининг устунликлари яна яққол намоён бўлди. Улар Токио спорт майдонларида 607, 8 очко ва 96 та (30 та олтин, 31 та кумуш, 35 та бронза) медалларини қўлга киритдилар. АҚШ спортчилари ҳисобида олтин медаллар кўплигига қарамай, 581, 8 очко ва 90 та (36 та олтин, 26 та кумуш ва 28 та бронза) медаль уларга фақат иккинчи ўринни эгаллаш имконини берди. Бирлашган Германия жамоаси учинчи ўринни олди. Улар ҳисобида 337, 5 очко ва 50 та (10 та олтин, 22 та кумуш ва 18 та бронза) медаль бор эди.



**СУРАТДА:** Инсбрук Қишки Олимпиада ўйинлари машъаласининг ёқилиши.

1964 йил 29 январь —9 февраль кунлари Австриянинг Инсбрук шаҳрида IX Қишки Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтди. Бу мусобақалар қатнашчиларнинг рекорд сони билан ажралиб туради. Инсбрукка 37 мамлакатдан 1111 спортчи, шу жумладан 197 аёл келди. Улар етти қишки спорт тури бўйича 34 медаллар жамланмаси учун кураш олиб бордилар.

Аммо ташкилотчилар Қишки Олимпиадада ҳаво илиқ келганлиги сабабли кутилмаганда қор тақчиллигига дуч келдилар. Натижада чанғи мусобақаларини ўтказиш учун бу ерга 15 минг куб метр қорни ташиб олиб келишга тўғри келди.

Бошқа жойдан келтирилган қор собиқ иттифоқ чанғичи спортчилари учун омадли бўлди. Улар чанғи бўйича мусобақаларда барча олтин медалларни қўлга киритдилар. Тоғ чанғиси бўйича беллашувларда эса опа-сингил Кристина ва Мариэль Гойчель амалда бир-бирлари билан кураш олиб бордилар. Агар слаломда Кристина олтин, Мариэль кумуш медалга сазовор бўлган бўлсалар, гигант слаломда бунинг акси:Мариэль чемпион бўлди, Кристина эса иккинчи ўринни эгаллади.

Коньки мусобақаларида Лидия Скобликова мутлақ натижага эришди. У спортнинг бу турида барча — тўртта олтин медални қўлга киритди. Ўз-ўзидан маълумки, бу натижани фақат такрорлаш, аммо ундан юқорироқ кўрсаткичга эришиш мумкин эмас. Умуман совет конькичи қизлари Инсбрукда жами 12 та медалдан тўққизтасини олишга муваффақ бўлдилар.

Фигурали учиш беллашувларида ҳам кўпчилик кутмаган натижалар қайд қилинди. Фигурали жуфтликлар учишида немис жуфтлиги ғалабаси башорат қилинаётган эди. Ҳатто мусобақаларга якун ясалмасдан олдин сотувга улар сурати туширилган откритка "Олимпиада чемпионлари" деган ёзув билан чиқарилганди. Бироқ Людмила Белоусова ва Олег Протопопов ўз маҳоратлари билан спорт ихлосмандларини ҳам, ҳакамларни ҳам мафтун этдилар ҳамда жуда асосли равишда фахрий шоҳсупанинг энг юқори тўрига кўтарилдилар.

Совет хоккейчилари ҳам Қишки Олимпиадалардаги зафарли юришларини давом эттирдилар. Улар олимпия турнирида саккиз учрашувнинг ҳаммасида ғалаба қозондилар. Шайбалар нисбати – 73:11 бу ютуқларнинг нақадар салмоқли эканлигидан далолат беради.

Ҳа, 1964 йилги Ёзги ва Қишки олимпиадалар совет спортчиларининг тўла устунлигини кўрсатди. Инсбрукда норасмий умумжамоа ҳисобида худди Токиодагидек собиқ иттифоқ олимпиадачилари биринчи ўринни эгалладилар. Тўққизинчи Қишки Олимпиадада улар ҳисобида 162 очко ва 25 та (11 та олтин, 8 та кумуш ва 6 та бронза) медаль бор эди. 89, 5 очко ва 15 та (3 та олтин, 6 тадан кумуш ва бронза) медаль билан Норвегия спортчилари иккинчи, 79 очко ва 12 та (4 та олтин, 5 та кумуш ва 3 та бронза) медаль билан австрияликлар учинчи ўринга кўтарилдилар.

Ўзбекистон спортчилари Токио Олимпиадасида битта кумуш ва учта бронза медаллар соҳиби бўлишлари билан бир қаторда бошқа халқаро мусобақаларда ҳам катта муваффақият билан иштирок этар эдилар. Жумладан Евгений Кондратьев ўқ отиш бўйича ўсмирлар ўртасида Европа чемпиони эди. Юнон-рум курашида Рустам Казаков собиқ иттифоқ биринчиликларида дастлабки ғалабаларини қўлга киритаётганди. Шунингдек, Сервер Муртазаев оғир атлетика бўйича, Алексей Черноглазов ва Станислав Медведев велоспорт, Михаил Акулев пистолетдан ўқ отиш бўйича иттифоқ чемпионлари эдилар.

**Эркин ЭРНАЗАРОВ**



**СУРАТДА:** дзюдо дастлабки марта Токио Олимпиадаси ўйинлари дастуридан ўрин олди.

---

# Сўранг, жавоб берамиз

## МУҲИМИ — САЛОМАТЛИКНИ АСРАБ ҚОЛИШ

**Инсонлар гоҳида зиёфатларга бориши ёки уларни ўзи уюштириши турган гап. Бунда тўйиб овқатланишга ҳамда ичкиликларга мириқиб олишга қандайдир тарзда ўзимизни тайёрлай оламизми?**

**Сотимбой Холматов,**
**Учтепа тумани.**

— Қоринни "зиёфатларга тайёрлаш" масаласи унча мураккаб эмас,— дея **фикрини баён этади парҳезшунос шифокор Адҳам Нурбоев.** - Янги йил арафасидаги бир неча кун давомида одатдагидан сал камроқ овқатланишга ҳаракат қилиб кўринг. Лекин моддалар алмашинуви бузилмаслиги учун очлик билан силлангизни қуритиб қўйманг.

Байрамдан икки кун олдин, масалан, 1-2 чой қошиқ касторка мойини ичиб, ичакларингизни тозалашингиз мумкин. 31 декабрда эса, сўндирилган кўмир таблеткасини ичинг – у нафақат овқатни ҳазм қилиш, балки тез кайфингиз ошиб қолмаслигига ҳам ёрдам беради.

Ичкиликлардан маст бўлиб қолмаслик масаласига келсак, кайф ошиш даражаси ва тезлиги одам жигаридаги алкоголни қайта ишловчи ҳимоя ферментининг миқдорига боғлиқ. Ушбу ферментнинг ўзига хос хусусияти шундаки, анчадан буён ичмай юрган одамда унинг даражаси пасаяди, алкоголь танага кириши билан эса – ортади.

Катта дозани мўлжаллаганда, 3-4 соат олдиндан "ферментни ишга тушириб юбориш" – "профилактика мақсадида" 50 граммни отиб олиш керак бўлади. Шу йўл билан организм алкоголь ҳужумига тайёр бўлади. Лекин "профилактика"га ишониб, бўкиб ичиш ярамайди – хурмачадан ортиғи ҳамиша ҳам зарарли.

## ЮЛДУЗЛАРНИНГ НАРХЛАРИ ҲАМ ЎЗЛАРИГА ЯРАША

**Эшитишимча, Ғарбда эстрада юлдузларининг ташриф нархи осмонга чиқиб кетганмиш. Масалан, Жанна Фрискени таклиф этишингиз 30 минг еврога тушаркан. Шу тўғрими?**

**Марат Давидов,**
**Яккасарой тумани.**

**Концерт ташкилотчиларидан бири Олимжон Қосимовнинг эътироф этишича,** шартлашиш кам деганда 15 минг евродан бошланади. Масалан, француз хонандаси In-Grid 13-15 минг еврога концерт бериши мумкин. Ҳозирда расман икки таркибга эга бўлган "Бони М" гуруҳи эса, 20-25 минг евро талаб қилади.

"Дюни", "Ногу свело" ёки "Жуков" каби ўта машҳур бўлмаган гуруҳлар ҳам Янги йил олди чиқишлари учун 20-25 минг евро талаб қилишаркан. Бизда ҳам жуда машҳур ҳисобланувчи Дмитрий Билан, айтишларича, бир концертига 50 минг ва ундан ҳам ортиқроқ пул талаб қиларкан. Максим Галкинни чақириш 100 минг евродан камга тушмас экан. Шунақа гаплар...

## ОЛИВЬЕ ХАВФЛИ ЭМАСМИ?

**Оливье салатини ёқтирмайдиганлар топилмаса керак. Лекин ана шу ажойиб егулик, баъзи бировлар фикрига кўра, зарарли бўлиши ҳам мумкин эмиш. Наҳотки шундай бўлса?**

**Кимё Алламова,**
**Ҳамза тумани.**

**Парҳезшунос шифокор Михаил Гурвич фикрига кўра,** майонезли салатлар (оливье, краб қаламчалари солинган салат, селедка) ошқозони яхши бўлмаган кишиларга тавсия этилмайди. Уларнинг жуда кўп нарсалар қўшиб тайёрланиши туфайли ҳазм бўлиш жараёни узоқ кечади ва киши ўзида ёқимсиз оғирликни туяди.

Агар оливьедан воз кеча олмасангиз, майонез ўрнига қаймоқ (сметана) аралаштиришга ҳаракат қилинг. Аммо, яхшиси, писта ёки зайтун мойи аралаштирилган сабзавотли салатларни танлаганингиз маъқул. Улардан кейин иссиқ овқатларга ўтаверасиз.

Саломатликка раҳна солувчи бошқа хил "Янги йил таомлари" ҳам мавжуд. Масалан, холецистит ва гастрит билан оғриган кишиларга дудланган нарсаларни ейиш тавсия этилмайди. Акс ҳолда оғзингизда аччиқ таъм ва қориннинг ўнг томонида оғриқ пайдо бўлиши мумкин. Холестерин миқдори ортиқ кишиларга лиқ-лиқ истеъмол қилиш матлуб эмас.

Овқат ҳазм қилиш тизими хасталикларида турли колбасалар истеъмолидан воз кечишга тўғри келади. Зеро, уларда ёғ моддаси ва консервантлар кўп бўлади.

Тузламалар ва маринадларда туз кўп бўлгани учун бўғинларга зарар қилиши мумкин. Зиёфатни ширин мевалар билан якунламаганингиз маъқул – чунки бунда ошқозонда бижғиш жараёни бошланиб кетади.

## БАЙРАМ СОВҒАЛАРИДАГИ ШИРИНЛИКЛАР

**Болаларга аталган совғаларга ҳам ширин, ҳам фойдали ва безарар бўладиган қандай ширинликларни солиш керак?**

**Ноила Раҳимбоева,**
**Юнусобод тумани.**

**Тиббиёт фанлари номзоди Муҳаммаджон Миршарипов жавоб беради:**

— Зефир, мармелад ва хамирсимон пиширилган қиёмлар энг фойдали ширинликлардан ҳисобланади. Улар табиий мева-резаворлар асосида тайёрланади.Қуюлтирувчи восита сифатида уларда мева шинниси ва сув ўтларидан тайёрланадиган дирилдоқ моддадан фойдаланилади. Печеньелар, қотирилган кулча-нон ва тешиккулчалар ҳам чакки бўлмайди.

Ширинликларни танлашда "сўлиган", хира рангли озуқаларга устуворлик беринг. Кислотага хос ялтироқ тусли ширинликларда сунъий бўёқлар ишлатилган бўлиб, улар ўсаётган организмга салбий таъсир этади.

Уч ёшгача бўлган болаларга умуман шоколадли конфетларни бермаслик керак —уларда аллергенлар ва ёғ моддалари кўп бўлади. Шу ёшдаги болаларга оширма ва қайнатилган хамирдан тайёрланган тортларни ҳам бермаган маъқул. Чунки улар таркибида маргарин, юмшатувчи ва оширувчи (хамиртуруш) моддалар бўлиб, болалар организми уларни ҳазм қилиши қийин. Музқаймоқларнинг ёғсиз навларини — мевали ёки сутлилигини танлаш тавсия этилади.

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ҲИКМАТЛАР

**Ғаму шодликким, бошингга етар,**
**Ўлим чоғида иккиси ҳам кетар.**

* * *

**Шаҳаншоҳлигу мулку давлат бало,**
**Гадо шоҳ эрур, исми бўлмиш гадо.**

* * *

**Ёмонлик қилиб, яхшилик кутмагил,**
**Тиканзор узум бермагай, яхши бил.**

**Дилимга сира келмагай бу гумон,**
**Экиб арпа, буғдой ўрарсан дебон.**

**Агар бўлса аччикданак ҳар ниҳол,**
**Ширин бўлмоғи тарбият-ла маҳол.**

**Ҳеч унмайди толгул гули хурмода,**
**Не эксанг, олурсан шуни дунёда.**

* * *

**Биқиб ётма ғафлатда, олиймақом,**
**Улуғларни кўзига уйқу ҳаром.**

**Мудом эл ғамин еки, ожиз улар,**
**Замон ҳодисотидан айла ҳазар.**

**Ўгит беғараз бўлса-ю, бериё,**
**Бўлур аччиқ, аммо маразга даво.**

* * *

**Ситам айласанг, бўлма уммидвор,**
**Тўлур яхши номим билан деб диёр.**

* * *

**Дил оғригувчи ишни сен қилмагил.**

* * *

**Ситамгар ўзи махв ўлиб ҳам кетар,**
**Бироқ лаънат унга ҳамиша етар.**

* * *

**Эмас мақтаган – дўст, алдамчилар,**
**Маломатчилар сенга ёрдамчидир.**

**Ширин бўлса ҳам қанд, касалга зарар,**
**Даво бўлгай аччиқ, тахир дорилар.**

**Ширин сўзли улфатларингдан кўра**
**Хунук юзли танбиҳ берувчи сара.**

**На ҳожат бу яхши насиҳат, агар –**
**Сен оқил эсанг, бир ишорат етар.**

* * *

**Ҳақ сўз ибодат эрур.**

* * *

**Бўлиб хору кўрсам жафою ситам,**
**Агар оқибат яхши бўлса, не ғам.**

* * *

**Хушомадчининг макридан қил ҳазар,**
**Бўлур сел, йиғилса агар томчилар.**

**Қошинг керма мағрурланиб, урма дам,**
**Енгиб дўст, агар ёв енгилса ҳам.**

**Агар дўстдан душманинг кўп эрур,**
**Ачингай ҳама дўст, ёв шодланур.**

* * *

**Урушни бурун бошлаган чокда ёв,**
**Гуноҳкор ўзи, қир уни беаёв.**

**Қиларкан адоват, уруш беибо,**
**Адоватчига меҳрибонлик хато.**

* * *

**Муроса қиларкан агар ишни ҳал,**
**Ғазаб қилма, ўлдирма, бўлма дағал.**

**Агар ёлвориб келса ёв ҳар қачон,**
**Дилингдан олиб ташла кекни шу он.**

**Омон бер, деса, бер омонлик шу чоқ,**
**Бироқ макридан эҳтиёт яхшироқ.**

**Бўйин товлама кекса тадбиридан,**
**Қариларда бор тажриба, фикру фан.**

* * *

**Ҳужум қилса эллик киши тунда гар,**
**Қоронғида беш юз кишини қирар.**

* * *

**Қочиб кетса ёв, бир ўзинг қувмагил.**

* * *

**Агар паҳлавон кўрсатур журъатин,**
**Оширмоқ керак қадру ҳам қийматин.**

**Қилур жон фидо шоҳига ҳар маҳал**
**Келиб қолса ҳар қанча жангу жадал.**

**Ҳамиша баҳодирларинг шод қил,**
**Фақат жанг вақтида деб билмагил.**

**Омонликда аскарни қил шодмон,**
**Уруш бўлса, ишга ярар бегумон.**

**Элинг сақлагайсан-ку аскар билан,**
**Бу аскарни тут шафқату зар билан.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

Тошкент Радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежи жамоаси коллеж директори Абдурасул Зокировга акаси **Абдурауф ЗОКИРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

*Спорт*





# МУСОБАҚА ҚИЗҒИН ЎТМОҚДА

**ШАҲАР ШАХМАТ ФЕДЕРАЦИЯСИДА КАТТАЛАР ЎРТАСИДА 1 ТОИФАЛИ ШАХМАТЧИЛАР, СПОРТ УСТАЛИГИГА НОМЗОД ВА СПОРТ УСТАЛАРИ ИШТИРОКИДА ШАҲАР МУСОБАҚАСИНИНГ ФИНАЛ БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА.**

Олтмиш олти нафар шахматчи (шундан уч нафари аёллар) баҳс юритаётган турнир швейцарча усулда, 9 турдан иборат тарзда ўтказилмоқда. Мусобақа ғолиб ва совриндорлари энг кўп тўпланган очколар миқдорига қараб аниқланади. Очколар тенг бўлганида эса Тараққиёт ва Бухгольц коэффициентлари орқали ғолиблар аниқланади.

Шаҳар шахмат федерацияси ҳамда пойтахт Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси ташкилотчилигида ўтказилаётган финал мусобақалари 11 январга қадар давом этади.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар**

**Алексей Попов олган суратлар**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2008 йил 8 февраль куни соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган**

## ҚУЙИДАГИ МУЛКЛАРНИ ҚЎЙМОҚДА:

*2007 йил 10 декабрдаги 2003/2-сонли ва 2007 йил 12 декабрдаги 1-357/2007-сонли ижро варақаларига асосан тақдим этилган, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг автоуловлар сақлаш масканида сақланаётган, давлат рақами 22АА100 бўлган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган «ХУНДАЙ ЭКУС» русумли автотранспорт воситаси.* ***Бошланғич баҳоси-65 000 000 сўм.***

*2007 йил 10 декабрдаги 2003/2-сонли ва 2007 йил 12 декабрдаги 1-357/2007-сонли ижро варақаларига асосан тақдим этилган, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг автоуловлар сақлаш масканида сақланаётган, давлат рақами 22АЕ100 бўлган, 2003 йилда ишлаб чиқарилган «ХУНДАЙ ГРЕЙНДЖЕР XG-300» русумли автотранспорт воситаси.* ***Бошланғич баҳоси-50 000 000 сўм.***

*2007 йил 10 декабрдаги 2003/2-сонли ва 2007 йил 12 декабрдаги 1-357/2007-сонли ижро варақаларига асосан тақдим этилган, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг автоуловлар сақлаш масканида сақланаётган, давлат рақами 10I2121 бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган «МЕРСЕДЕС БЕНЦ 600 SEL» русумли автотранспорт воситаси.* ***Бошланғич баҳоси-40 000 000 сўм.***

*2007 йил 10 декабрдаги 2003/2-сонли ва 2007 йил 12 декабрдаги 1-357/2007-сонли ижро варақаларига асосан тақдим этилган, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг автоуловлар сақлаш масканида сақланаётган, давлат рақами 10F6090 бўлган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган «НЕКСИЯ» русумли автотранспорт воситаси.* ***Бошланғич баҳоси-10 000 000 сўм.***

*ЖСК-1-413/04-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг автоуловлар сақлаш масканида сақланаётган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10Y0804 бўлган «Мерседес Бенц А-160» русумли автотранспорт воситаси.* ***Бошланғич баҳоси-55 000 000 сўм.***

*ЖСК-1-413/04-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг автоуловлар сақлаш масканида сақланаётган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AN999 бўлган «Мерседес Бенц SL-500» русумли автотранспорт воситаси.* ***Бошланғич баҳоси-100 000 000 сўм.***

***Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2008 йил 25 январь куни соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига***

## ҚУЙИДАГИ МУЛКНИ ҚАЙТАДАН ҚЎЙМОҚДА:

*Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 29 июндаги ЖСК 1-361-сонли ижро ҳужжатга асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри Яккасарой тумани Нукус кўчаси 2-уй манзилда сақланаётган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган ва давлат рақами 11Y5857 бўлган «НЕКСИЯ» русумли автотранспорт воситаси.* ***Бошланғич баҳоси-12 968 600 сўм.***

*Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларни қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. Тел. 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.*

*Мунажжим минбари*

# ЮЛДУЗЛАР ОГОҲ ҚИЛАДИ

**8 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА**

**Мунажжимлар бугунги кунни муҳаббат орқали оламни идрок этиш куни деб тавсифлашган. Ҳамдардлик ва меҳр-мурувватни намоён этиш хайрли ниятларингиз амалга ошишига асос бўлади. Ўзингизга алоқадор улкан муаммоларингизни ҳал этишда яқинларингиз қатнашишига имкон беринг. Ҳар қандай йўл билан вазиятни қўлга олишга интилиб, хатоликларга йўл қўйманг.**

Бугун сиз кутилмаганда энг мураккаб вазиятлардан чиқиб кетиш йўлини топишингиз, узоқ вақтдан бери уддалай олмай келаётган муаммоингизни ҳал этиш имконига эга бўлишингиз мумкин. Майда-чуйдаларга ўралашиб қолмай, энг муҳим нарсаларга эътибор қилинг, қалбингизнинг энг тубига қаранг.

Тушларингиз ҳаётдан қониқмаслик туйғусидан қандай халос бўлиш йўлларини кўрсатиб беради. Тушда кўрганларингиз ўнгингизда анча кеч содир бўлишини ҳам айтиб ўтиш керак.

*Қатра*

# ҚУТЛАМОҚДА СИЗНИ ОППОҚ ҚОР...

Дадажоним, қўлим етмас қадри баланд қадрдоним, қалбимдаги суянчиғим, қоя тошим, кўнглимдаги ҳеч букилмас ғурур, орим, ғойибдаги киши кўрмас паноҳ тоғим, ўксиганда суянганим, бағрикенгим, кенг осмоним. Бир бор қаранг, қор ёғмоқда, сизни қутлаб, келолмаган йўлингизга қордан оппоқ гилам тўшаб. Янги йилнинг учинчи куни, сиз туғилган сана, сизга айтар гапларим эса кўпаймоқда кундан кун яна...

Дадажоним кўраяпсизми, атроф қанчалар тароватли ва ёқимли, гўё ёғаётган қор борлиққа гўзаллик, омонлик, яхшилик ва софлик улашаётгандай. Она табиат сизни поклик рамзи бўлган қор билан қутлаётгандай. Қабрингиз узра мен олиб боролмаган гуллар ўрнини табиатнинг беминнат неъмати, кўзни қамаштирувчи оппоқ маржондай қорлар безаган бўлса не ажаб. Бугун ёнингизга бора олмадим, қабрингизни зиёрат ҳам қила олмадим. Шундай қутлуғ кунда сизни йўқлай олмадим, дадажон! Орамизга доимо ғов бўлиб келган узоқ масофа яна бунга халал берди. Сизга айтадиган гапларим жудаям кўп эди... Юрагимдаги тугунлар яна ечилмай қолаверди, армонлар қат-қатлигича йиғилаверди, ғанимат сўзлар ғаниматлигича қолаверди. Дийдор қиёматга қолганга ўхшайди.

Дадажон, осмонга бир қаранг, сизни туғилган кунингиз билан қутлаб, мени эса овутиб оппоқ қор ёғмоқда буралиб-буралиб. Борлиқ сизни қор ила табрикламоқда, пойингиз узра қор зарралари учиб-қўнмоқда, дадажон. Ёзаётган бу дил сўзларим қулоғингизга етиб бормаслиги мумкин, бироқ оппоқ қор қабрингиз узра мисоли бир қучоқ гул бўлиб ёйилиши мени қувонтирмоқда. Сиз қорли кунларни яхши кўрардингиз «ризқимиз мўл бўлади, тўкинлик бўлади болам», дердингиз. Дадажоним, мўл-кўл қор ёғаяпти, балки ризқимиз мўл бўлар, тўкин —сочинлик зўр бўлар, лекин ёнимизда сиз йўқсиз. Олисларда жуда узоқдасиз, излаганим билан изларингизни ҳам топа олмайман. Чақирганим билан овозим бориб етмайди. Тушларимда кўраман баъзан дийдорингизни. Сизнинг олдингизга бора олмадим, арзимасдек туюлсада, баҳоналарим кўпайиб кетди кейинги пайтда. Мени кечиринг, турмушнинг майда-чуйда ғалвалари орасига ўралашиб қолганим учун. Олисдаги акажоним сўроқлади мени телефонда: «Гул, кела оласанми», узоқдаги опажоним маъюс шивирлади: «вақтинг йўқми». Мен эса илк бора оилавий анъанамизни буздим. Туғилган кунингизга бормадим, очиғи ўзим истасамда бора олмадим, дадажоним. Тириклигингизда ҳам мени кутардингиз, вафотингиздан сўнг ҳам руҳингизни ранжитдим.

Дадажон, сизнинг самимий, беозор чеҳрангизни кўз ўнгимга келтирар эканман, ўзлигимни англагандай бўламан. Сиздан жуда миннатдорман, қалбимга сабр уруғини сочганингиз, вужудимга ростгўйлик тамғасини босганингиз учун. Йўқса қандай яшардим ёлғон-у ростлар ичига ўралашиб. Балки гуноҳларим кўпдир, ўзим билган ва билмаган. Нима бўлганда ҳам виждоним тиргаги сизсиз. Баъзан хато қилаётганимни биламан, аммо ўжар журъатим ўз билганидан қолмайди, яшаяпман гўё ҳаётда қасди бор одамдек беҳаловат ва беқарор. Юрагим симиллаб оғрийди, йўлларга қарайман, катта шаҳарнинг кенг кошоналарига сиғмай кетаман баъзан. Тинчлик ва ҳаловат истайман. Оддийгина уйимизнинг беғубор тафтини соғинаман. Ёлғонлардан йироқ бўлган, пул дарди, тақинчоқлар ғалваси, ҳашамли кийимлар, ғийбат ва ғурбатсиз ўтадиган одмигина дамларни соғинаман, дадажон. Шунчаки тил учида сўрашишларни, сохта табассумларни, ясама мулозаматларни эмас, самимийликни қўмсайман.

Қор поклик рамзи, оқлик белгиси, қишнинг файзу тароватидир. Лекин айнан сизнинг туғилган кунингизда ёғиши яхшиликдан далолат бўлса керак. Зимистон кўнглим оппоқ қорни кўриб равшанлашиб кетмоқда. Сизнинг пойингизга бора олмаган, қабрингиз узра бош эгиб сирлаша олмаган бўлсамда, дилим шодланмоқда, дадажон. Чунки сиз яхши кўрган қор айнан шу кун ёғмоқда. Осмону фалакка боқаман, балки руҳингиз қор учқунлари билан бирга учиб юргандир. Балки самодан туриб заминни кузатаётгандирсиз. Мени кўраётгандирсиз балки, қор бўлиб ёғилаётган зарралар учқуни ичра сузиб юргандирсиз.

Дадажон, қорга қараймону сизни янада батарроқ соғиниб кетавераман. Қор парчаларидек бағрингизга сингиб кетгим келади. Бошингизга бошимни қўйиб болалигимга қайтгим, шўху-шодон кунларимдагидай ғам-қайғусиз, алам, изтиробсиз ва алдовларсиз яшагим келади. Балки сўзларимни эшитарсиз, балки йўқ лекин нима бўлганда ҳам сизга ҳамиша талпинавераман. Кўксим узра юрагим оҳиста урар экан, токи танамда жоним бор экан сизни қўмсайвераман. Сизнингдек софдил ва самимий инсонни қаердан ҳам топаман.

Дадажон туғилган кунингиз қутлуғ бўлсин. Ёғаётган қор менинг дил номаларимни сизга албатта олиб боради. Чунки мен ҳам сиз каби қорни жуда севаман....

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Банкрот-корхона ОТАЖ «**А.Иброҳимов номли Тошкент чинни заводи**»ни тугатиш иши юзасидан Маълумот.

ОТАЖ «А.Иброҳимов номли Тошкент чинни заводи»нинг кредитор ва акциядорларига тегишли суммаларни (тугатиш жараёнида ўз вақтида олинмаган) олиш учун Тошкент шаҳар 1-сонли Яккасарой туман Давлат нотариусига (манзил: Тошкент шаҳри, М.Таробий кўчаси, 8-уй) мурожаат қилиб, ДАТ «Халқ банки»нинг Яккасарой филиалида (манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Ш.Абдуллаев кўчаси, 2-«а») очилган депозит ҳисоб варақаси орқали берилади.

Маълумотнома ва архивга боғлиқ маълумотлар 100207, Тошкент шаҳри, Ғалабанинг 40 йиллиги мавзеси, 2-даҳа, 29-уйда жойлашган Тошкент шаҳар Давлат Архиви томонидан берилади.

Заводнинг собиқ ходимлари учун Шахсий жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари ДАТ «Халқ банки»нинг Собир Раҳимов филиали томонидан берилмоқда.

ТВни таъмирлаш ва созлаш ишларини бажараман.
Т: 715-84-84

Умумий банкротлик жараёни юзасидан Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 327 «б»— уйда жойлашган ЁАЖ «НОВАS—ТАРО» қўшма корхонасида, СТИР 202589043, ХХТУТ 13142, Тошкент шаҳар хўжалик судининг № 10-0719/16200 иши юзасидан қабул қилинган ажримига биноан кузатув жараёни татбиқ этилган. ЁАЖ «НОВАS — ТАРО» қўшма корхонаси кредиторларининг биринчи йиғилиши 2008 йил 23 январь куни соат 10.00 да акциядорлик жамиятининг маъмурий биносида ўтказилади. ЁАЖ «НОВАS—ТАРО» қўшма корхонасига нисбатан даъволар (талаблар) ушбу эълон чоп этилгандан сўнг бир ой ичида қабул қилинади. Суд муҳокамаси 2008 йил 6 февраль куни Тошкент шаҳар Хўжалик судининг Тошкент шаҳри, Чўпонота кўчаси, 6-уйда жойлашган 2-сонли суд залида соат 10.00 да бошланади.

Маълумот учун телефонлар: 294-56-67, 155-60-36. Хатлар учун: 100000, Тошкент шаҳри, Бошпочтамт, а/қ №375




МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г-70

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3960 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6

Топширилган вақти: 13.27